Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
1-oktabr,
shanba

№ 117
(3778)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги қутлуғ айём — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтироминининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслакдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислом Абдуғаниевич Ватанимизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизимига асос солган, бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўлларини аниқ белгилаб берган, «Бутун Ўзбекистон болалари — менинг азиз фарзандларим» деб уларни ҳамиша эъзозлаган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуғ устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб кираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти вазифасини**
**бажарувчи**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Мамашарипова Дилором Мухаммадиевна** — Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Фозилова Раъно Тўлагановна** — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Бозоров Абдуқаюм Каримович** — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Генжемуратова Гулсара Оралбаевна** — Қораўзак туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

(4).

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# Таълим фидойиларига эҳтиром




**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов улғайиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, йигит-қизларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда таълим фидойиларини ўзининг энг яқин ёрдамчиси, деб билар эди. Истиқлол йилларида янгича тафаккурга эга, соғлом ва баркамол ўғил-қизларни тарбиялашда педагогларнинг ўрни ва мавқеи ҳар қачонгидан кўра юксалди.**

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, илмий анжуманлар, учрашувларда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларга чуқур билим бериш, уларни она Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муаллимларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

30 сентябр куни бир гуруҳ фахрий ва фаол ўқитувчилар, ёш муаллимлар ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Шу куни Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ходимлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг педагоглари, спорт мураббийлари иштирок этди.

(4).

## Янгиликлар

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**Нукусда биологик хилма-хилликни асраш, тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида шифобахш, доривор ўсимликлардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари, экологик омилларнинг табиий ресурсларга таъсири, биологик хилма-хиллик ва уларнинг атроф-муҳит муҳофазасидаги аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

**Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 140 нафар ёшлар саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, сервис хизмати каби йўналишлардаги бизнес-режалари билан иштирок этди.**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**

**Фарғонада «Фарзанд табассуми — оила қувончи» деб номланган хайрия акцияси бошланди. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон ва Туркия шифокорлари томонидан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги юз соҳасидаги туғма ва куйишдан кейинги асоратлар, юқори лаб ва қаттиқ танглайнинг туғма нуқсони бўлган уч юздан зиёд бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Кўрик натижаларига кўра, 100 дан зиёд бола жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилади.**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ**

**Бухорода «Фотоволтаика соҳасидаги сўнгги ютуқлар: эгилувчан ва юпқа плёнкали қуёш батареялари учун илғор материаллар ва қурилмалар»мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.**

**Тошкентдаги Турин политехника университети ва Ўзбекистон Физика жамияти томонидан қатор илмий муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда қайта тикланадиган ҳамда қуёш энергетикасининг энг сўнгги ютуқларини амалда қўллаш соҳаси билан шуғулланаётган дунёнинг таниқли олим ва мутахассислари иштирок этди.**

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

Эътибор

# Эзгуликка туташ йўл

**Эртасини ўйлаган, истиқболини порлоқ кўришни истаган давлат борки, ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу мақсад учун маблағини аямайди. Шу боис таълимга йўналтирилган сармоя энг яхши сармоядир.**

Мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши истиқлолнинг беқиёс туҳфаларидан биридир. Олий ҳакам — вақт тасдиқлаб турганидек, мустақиллик даврида ўқитувчи номи шарафларга бурканди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маърифат аҳлининг меҳнати моддий рағбатлантирилиб, уларга ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Соҳа ходимларининг касб байрами арафасида кўплаб фаол, ташаббускор, изланувчан педагоглар давлатимизнинг фахрий унвонлари, юксак орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Буларнинг бари ёш авлод қалби ва онгига билим билан бирга истиқлол ғояларини чуқур сингдираётган азиз ўқитувчи ҳамда мураббийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ифодасидир.

Шарафли касб эгаларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфатларини ҳимоялаш Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг эзгу мақсади ҳисобланади. Тармоқ касаба уюшмаси соҳа ривожи йўлида, айниқса, йўли эзгуликка туташ устоз ва мураббийларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда бор имкониятини сафарбар этиб келаётир. Ижтимоий шериклик бўйича қатор ижобий натижаларга эришилди. Давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёзлар кўламини кенгайтиришга асосий эътибор қаратилди. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан 2015 — 2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва дам олиши, соғломлаштирилиши, меҳнат муносабатларини янада тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олишга қаратилган меҳнат меъёрларини ўз ичига олган.

Ижтимоий шериклик асосида бошланғич касаба уюшма ташкилоти раисларидан 96 фоизи ташкилот ва муассасалар бошқарув органлари таркибига киритилди.

(2).



Ғолибликка муносиб!

>> 2



Иқтидорлар юз очаётир

>> 6

# Меҳридарё устозлар!

Ибрат

**Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатаётган инсонлар ҳамиша ибратга лойиқ. «Ипак йўли» АИТ банки Қарши филиали бошқарувчиси, устозим Фаёз Зубайдуллаев ҳақида бемалол шу фикрни айтиш мумкин. Ўнлаб ёшларга касб сирларини ўргатиб келаётган бу инсон Самарқанд, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларидаги молия муассасаларида ишлаган кезлари ҳам билимдон ва тажрибали мутахассис сифатида ўзини кўрсатган.**

## Молия мутахассиси

Айтиш жоизки, филиал томонидан аҳоли эътиборига юксак технологияларга асосланган замонавий банк хизматлари таклиф этилиб, вилоятимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларига сармоя йўналтиришда фаоллик кўрсатилмоқда. Қарши шаҳрида 4 та, туманларда эса 8 та мини банк хизмати кўрсатувчи шохобча ташкил этилгани мижоз билан янада яқинроқ ишлаш имконини бераяпти.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси бандларига тўлиқ риоя қилиниб, ходимларга сиҳатгоҳ йўлланмалари ажратиб келинаётир. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига эса ёзги таътил пайти оромгоҳда дам олиш имкони яратилган.

Ходимлар билим ва салоҳиятини ошириши учун барча шароит мавжуд. Айниқса, ёшларга катта эътибор қаратилади. Ўтган йил якунида уларнинг 6 нафари фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичида ходимимиз Ином Узоқов биринчи ўринни эгаллади.

Фаёз ака талабчан раҳбар, шу билан бирга, барчага бирдек самимий инсон. Фарзандларига ҳам шу хислатни сингдирган. Улар турли жабҳаларда меҳнат қилишади.

Бир сўз билан айтганда, Зубайдуллаевлар оиласи энг намунали оилалардан. Зотан, бахт ошён этган бу хонадоннинг пойдевори сабот, чидам, ақл, ғайрат ва ҳалоллик илдизлари билан мустаҳкамланган.

**Шоира ЛОЛАЕВА,**
**АИТ «Ипак йўли» банки Қарши филиали касаба уюшма қўмитаси раиси**

Фаолиятга назар

## Юксак масъулият ҳисси

**Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай сўзлар бор: «Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ». Шундай экан, ҳар бир устоз ва мураббий елкасидаги юк залворини сезиши, касбининг нақадар масъулиятли эканини ҳис қилиши шарт.**

Одамлар менга «устоз» дея мурожаат қилганларида ёки шогирдларимнинг ютуқларидан хабар топганимда қалбим фахрга тўлиб кетади. Шогирдларим жуда кўп. Қай бири олим, фан доктори, профессор, қай бирлари катта бир корхона ёки масъулиятли идоранинг раҳбари, ҳукуматимизнинг катта-катта унвонлари соҳиби — санъаткор, ижодкор. Уларнинг ёши улғайиб, лавозимлари ошгани билан барибир мени «устоз» дея қўлларини кўксига қўйиб, саломларини канда қилмайди. Йўқлаб келади. Синф ёки аудитория партасида ўтирган талабадай ҳурмат бажо келтиради. Шуларни ўйлаганимда танлаган касбимдан ифтихор, ўтган умримдан ризолик сезаман.

Шукроналар бўлсинки, Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага, шундан 34 фоизи таълимга йўналтирилаётганлиги, юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар тобора эъзоз топиб, қадрланаётганлиги эртанги кунга бўлган меҳр-муҳаббат белгисидир. «Одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг буғдой эк. Юз йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг таълим-тарбия бер» деган нақл бежиз айтилмаган ахир.

Аудиторияларимиз ёруғ, кенг, ҳудудимиз киши кўнглига завқ улашгудай дарахтзор, анвойи гулзорлар билан жуда файзли. 100 ўринли талабалар тураржойи янги таъмирдан чиққан. 61 585 та китоб фондига эга ахборот ресурс маркази ўқитувчилар учун илмий изланиш бўлими, ўқувчилар учун 100 ўринли ўқув хонаси, компьютерлар билан жиҳозланган ахборот технологиялари ва абонемент бўлимига эга. Ахир ҳар қандай касб-ҳунар ҳам кенг дунёқараш, яхши билим билан рўёб топади. Кейинги икки йилда 6 нафар ўқувчимизнинг «Ишбилармон талаба», «Менинг бизнес режам» каби кўрик-танловларнинг республика босқичи ғолиби бўлиб, ташкилотчиларнинг йиллик стипендиясига муносиб кўрилиши, 46 нафар ўқувчимизнинг илғор фикрли ёш тадбиркор сифатида имтиёзли кредитлар сертификатига эга бўлганлиги замон билан ҳамнафаслик натижасидир.

Махсус касб фанлари билан бирга, умумтаълим фанларини ҳам чуқур ўргатишга аҳамият берамиз. Шу боис ўқувчиларимиз туман, вилоят фан олимпиадаларининг ғолиби сифатида республика босқичида иштирок этмоқда. Зеро, қобилиятсиз ўқувчи бўлмайди, фақат лоқайд, масъулиятсиз ўқитувчи бўлиши мумкин. Гап ўқитувчининг шогирд қалбидаги яширин қобилиятни кашф эта олишидадир. Бу ибора жамоамиздаги ҳар бир устоз ва мураббийнинг шиорига айланган.

Коллежда ҳар бир фан кабинети замон талабларига мос жиҳозланган. Биргина рус тили фани кабинетида 300 дан зиёд кўргазмали қурол, лингафон, кадаскоп, компьютерлар ўрнатилгани, тўртбурчак кўринишида қўйилган атрофлама парталар ўртасида 40 тувакда барқ урган гулзор яратилгани ўқувчиларга яхши кайфият, кўтаринки руҳ бериши табиий. Бу эса шу фан муаллими Ҳамид Исроиловнинг изланишларидан, ўз фанига, касбига иштиёқидан далолат. Гўзалхон Тожибоеванинг физика, Ҳуснида Алимқулованинг информатика, Музаффара Ваҳобованинг инглиз тили фан кабинетлари ҳам инновацион технологиялар бўйича дарс ўтишга мослаб мукаммал жиҳозланган.

Шуни айтиб ўтишим кераккi, педагогларимиз илмий услубий изланишларда ҳам каттагина тажриба тўплаган. «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодиёт асослари», «Тармоқ технологияси», «Статистика» каби фанлардан ўқув дарсликлари ҳамда 28 та фандан замонавий таълим технологиялари ўқув қўлланмалари яратилиб, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида фойдаланилаётгани, албатта, изланишлар натижасидир.

Кези келганда, маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зилола Тоштемированинг «Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони», «Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси», «Йил аёли» «Маънавий-маърифий ишлар бўйича энг яхши директор ўринбосари» танловларининг республика босқичлари совриндори бўлганини ҳам таъкидлашим лозим.

Кўплаб битирувчиларимиз мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётгани коллеж устозларининг масъулиятли меҳнати туфайли, десак тўғри бўлади. Кейинги уч- тўрт йилда Жамшид Камолиддинов, Искандар Камолиддиновнинг Сингапур менежментни ривожлантириш институтида, Шоҳизамон Турсунбоевнинг Тошкент божхона академиясида, Беҳзод Абдураимовнинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия институтида, Муҳаммадиёр Фозиловнинг Тошкент Ислом университетида, Жавоҳир Камолиддиновнинг Тошкент ахборот технологиялари университетида, Ҳаётбек Ҳакимовнинг Тошкент архитектура ва қурилиш институтида (санайверсак улар кўп) таҳсил олаётгани биздаги устозларнинг ўз ўқувчилари қалбида илмга иштиёқ уйғота олганларидан деб биламан.

Коллежимизнинг 2005-2011 йиллар давомида узлуксиз «Энг намунали таълим муассасаси» деб эътироф этилиши ҳам, 2009 йилда «Намунали ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган таълим муассаси» кўрик-танловининг республика босқичида олий ўринга сазовор бўлгани ҳам, «Сиз қонунни биласизми?» анъанавий кўрик-танловида бир неча бор республика ғолиби бўлганликлари ҳам жамоадаги аҳиллик, устоз ва шогирд муносабатларининг яхши йўлга қўйилганидан, албатта. Яқинда «Андижон зукколари» жамоамиз «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббускорлигида ўтказилган «Ёш сиёсий билимдонлар» кўрик-танловининг туман, вилоят ва минтақавий босқичларида ғолиб бўлиб республика босқичига йўлланма олди.

Устоз учун шогирдлар ҳақида гапириш ҳар доим мароқли. Шуни айтишим керакки, коллеждаги йигирмага яқин педагог муаллимлар бир пайт шу коллежда сабоқ олган шогирдларимдир. Мен маънавий иқлим, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик яратилган жамоамиз номидан юртимиздаги таълим тизимида фаолият кўрсатаётган барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан муборакбод этаман.

**Шукуржон МАМАТҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори**



ЎзА суратлари

Ифтихор

**Касбим туфайли элда озмикўпми обрў орттирдим. 1989 йили Маданият институтида (ҳозирги Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти) тил ва адабиёт ўқитувчиси сифатида иш бошладим. Бошида бироз қийналдим. Талабаларга сабоқ бериш, улар маънавиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар сиздан чидам, юксак укув ва самимий меҳрни талаб этар экан.**

## Касбдан қадр топдим

Талабалар юз-кўзидаги билим олишга бўлган чанқоқлик, ҳаётидан мамнунлик ва Ватанимизга бўлган чексиз муҳаббатни кўриб хурсанд бўламан. Уларнинг ютуқларидан қувонаман. Талабаларимдан баъзилари хорижий давлатларнинг нуфузли университетларида таҳсил олаётган бўлишса, кўпчилиги юртимиздаги номдор муассасаларда муваффақиятли фаолият олиб бораётир. Уларнинг биргина «Раҳмат, устоз! Сиздан олган билимим келгуси ҳаётимда жуда асқотди», деган сўзлари касбимиздан қадр топганимизни, машаққатли меҳнатимиз беиз кетмаганидан далолатдир.

Ўқувчилик давримда тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Жонузоқ Мўминовнинг дарси, берган сабоқларини севиб тинглардим. Бу инсондан ўрнак олишга ҳаракат қилардим. Чунки устозимиз синфхонага шеър ўқиганча кириб келар, биз эса ажойиб шеърни жимгина, катта қизиқиш билан тинглардик. Айнан шу инсоннинг дарслари менинг тил ва адабиётга меҳр қўйишимга туртки бўлган.

Ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақш, деб бежизга айтилмаган. Боланинг онгу шуурига билим, яхшилик, беғуборлик уруғларини қадасангиз, кун келиб натижасини беради. Бундан, аввало, ўзингиз ҳаловат туясиз.

Бугунги кунда Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ёшларга сабоқ бериб келаяпман. Рақс жуда қадимий ва соҳир кучга эга санъат. Ёш раққос ва раққосаларимизнинг билим олишга бўлган иштиёқи, изланувчанлиги биз устоз ва мураббийларни бениҳоя қувонтиради.

Шу ўринда шоирнинг мисралари беихтиёр ёдга келади: «Муаллим десалар мени қанийди...» Дарҳақиқат, муаллимлик машаққатли, ўз ўрнида шарафли касбдир. Шу касб ортидан қадр топаётганимдан, эл корига яраётганимдан ғурурланаман.

**Равшан ЖОМОНОВ,**
**Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби доценти**

талпинишга даъват этиб, маърифат урушнинг олдини олувчи куч эканлигини қайта-қайта уқтиришдан чарчамади.

— У пайтлари ўқитувчилар бармоқ билан санарли эди, — дейди Болтабой ота бу ҳақда эсларкан. — Мен Урганчдаги ўқитувчилар тайёрлаш мактабида математика фани ўқитувчилиги бўйича таҳсил олиб келдим. 45-46-йилларгача ойлик маоши олмасдан ишлаганман. Шунда ҳам бирон марта нолимаганман. Қишлоғимизнинг биринчи муаллими Саттор Жуманиёзов изидан боришга, у каби кўплаб инсонларнинг устози бўлишга ҳаракат қилганман.

## маърифат боқийдир»

### Болтабой ота Хўжаев

Меҳнатсеварлиги туфайли устоз мақсадига эришди. Урганч педагогика институтида, Самарқанд Давлат университетида таҳсил олиб, билимини оширди, маҳоратини мустаҳкамлади. Оддий ўқитувчи, илмий бўлим мудири, мактаб директори вазифаларида ишлади.

Ўқитувчилик Болтабой Хўжаев учун чинакамига умр мазмунига айланди. У ўз ҳаётини шу касбдан айро тасаввур қила олмасди. У бу касбни шу қадар яхши кўрардики, ҳатто 1953 йили Боғот тумани янги ташкил қилинган пайтда унга масъулиятли лавозим таклиф қилишганида ҳам касб-коридан воз кечолмади. Кетма-кет ўн беш йил математика бўйича республика олимпиадаси ғолиблари шу мактабдан чиққанлиги кўпларнинг ҳавасини келтиргани ҳам бор гап. Шу боис устознинг довруғи бутун мамлакат бўйлаб таралди. Бухородан, Тошкентдан, Фарғонадан ота-оналар устоз ҳузурига фарзандини етаклаб келарди. Бугунги кунда мамлакатимиз илм-фанига, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига беқиёс улуш қўшаётган олимлар Саъдулла Искандаров, Аҳмад Юсупов, Собир Ражабов, Озод Машарипов, Юсуфбой Худойберганов каби юзлаб зиёли, тадбиркор, шифокорлар муваффақиятида Болтабой Хўжаевнинг муносиб хизмати бор.

Унинг узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, устоз биринчилар қатори «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвони билан тақдирланди.

— Умрим давомида бир нарсани англадим, — дейди муаллим. — Фақат билим ва маърифатнинг, ҳалолликнинг умри боқий экан. Пул ёки зеб-зийнат ортидан қувмасдан, иймонимизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилсак, чинакам бадавлат инсонга айланамиз. Бел оғритмай топилган минг сўмдан машаққат чекиб ҳалол йўл билан қўлга киритилган юз сўм баракалироқдир. Фарзандига тўғри тарбия бера олган кишигина бахтлиман, дейишга муносиб. Ўрганмаган ва ўргатмаган кунимни яшаганга қўшмайман.

Бугун устоз табаррук 93 ёшни қарши олди. У 88 ёшигача тумандаги 3-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ёшларга билим берди. Математикага оид илмий китоблар, юзлаб мақолалар муаллифи, қарилик гаштини сураётган бўлишига қарамай, ҳамон изланишда. Кишиларни эзгуликка даъват этувчи нодир асарларни араб, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилмоқда. Давлатимизда ёшларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун Ҳукуматимиз томонидан қилинаётган ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитларни ҳаяжон билан тилга олиб, ёшларимиз бунга жавобан албатта, билимли, ақл-заковатли, юртига содиқ фарзандлар бўлишини тилайди.

Пири бадавлат, ҳалол инсонлар дуоси ижобат бўлгай.

**Ширин ЮСУПОВА,**
**таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боғот туман кенгаши раиси**

Ислоҳот

**Мустақиллик йилларида статистика соҳасида кўплаб ўзгаришлар юз берди. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун статистика тизимини ташкил этиш масалаларини тартибга солиш, давлат статистика органларининг ваколат ва вазифаларини белгилаб бериш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир статистика маълумотларининг ягона тизимини юритишда ҳуқуқий асос яратди.**

## Ютуқлар омили

Ўтган даврда давлат статистика органлари томонидан статистиканинг ташкилий, умумметодологик ва технологик асосларини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодиётни бошқариш ва прогнозлаш жараёнларида ахборот-статистик таъминоти ҳамда идоралараро электрон ҳамкорликнинг самарали тизимини яратиш статистика фаолиятини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши бўлди.

Шунингдек, статистик кўрсаткичлар таркиби тубдан қайта кўриб чиқилди ва мақбуллаштирилди. Ҳисобот юкламасини пасайтириш ва давлат статистика ҳисоботлари сони 1,7 мартага қисқартирилди. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароит яратди.

Танланма кузатувлар, жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича кузатувлар тизими кенгайтирилди. Корхоналар инновацион фаоллигининг ривожланиши, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, ташқи ва ички туризм йўналишлари бўйича кузатувлар жорий этилди.

Давлат статистика қўмитаси томонидан 10 та ахборот тизими яратилиб, Давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари реестрида рўйхатга олинди. Давлат статистика органлари расмий сайтлари орқали 4 турдаги қўшимча давлат интерактив хизматлари кўрсатилиши таъминланди.

Бундан ташқари, статистика ҳисоботларини интернет тармоғи орқали топшириш тизими босқичма-босқич жорий этилди. 2015 йилдан бошлаб ҳисобот топширувчи субъектларнинг ҳисоботларни 100 фоиз электрон шаклда топшириши учун шароитлар яратилди. Хусусан, Жиззах вилояти Янгиобод туманида ҳам статистика органлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар вақтида ва сифатли амалга ошириб келинмоқда.

**Ш.БАРАТОВ,**
**Янгиобод туман статистика бўлими етакчи мутахассиси**

Реклама ва эълонлар

**«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Танловга Фарғона вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси балансидаги, Дамас русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, д/р: 40 972 LAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 11 080 200 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 1 ноябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 31октябр, соат 16:00.

***Талабгорлар диққатига!***

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2016 йил 1 ноябр кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йилнинг 16 ва 30 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Траст-банк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Ҳ/Р: 22604000600396342001. МФО:01123. СТИР: 303054753. Манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй.

Тел: (+99895) 402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

***Хизматлар лицензияланган.***

**«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Фарғона ёғ-мой» АЖ билан 25.01.2016 йилда тузилган 015-сонли шартномага асосан, «Фарғона ёғ-мой» АЖ балансидаги қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1.Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Зохидон» ҚФЙ, Зохидон қишлоғида жойлашган «Омухта ем сотиш шохобчаси» бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 32 105 700 сўм.

Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, «Лангар» ҚФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган «1-сонли омухта ем сотиш шахобчаси» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 18 820 593 сўм.

**Аукцион савдоси 2016 йил 9 ноябр куни соат 14:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 ноябр куни соат 18:00.

Аукцион савдосига қўйилган бино-иншоотлар билан «Фарғона ёғ-мой» АЖ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун, ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (0-595) 402-54-75 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Бино — иншоотларни сотилиш баҳосининг тўлов муддатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Траст банк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун буюртмалар қабул қилинадиган манзил: Фарғона ш., Маърифат кўчаси 21/1-уй, (Мўлжал: Фарғона вилоят статистикаси бошқармаси рўпарасида) тел: (0-595) 402-54-75. Сайт: www.emulk.uz электрон почта: best.fergana@inbox.uz Лицензия: RR-0225.

***Хизматлар лицензияланган.***

Истиқлол ғунчалари

# Иқтидорлар юз очаётир

**Болалар — дунёнинг эзгулик ниҳоллари, келажакка ишонч, самимият ва поклик тимсоли. Улар баралла қўшиқ айтганида, давра қуриб рақсга тушганида олам гўзалликдан яшариб кетади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ҳамда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилаётган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг туман босқичларида бу ҳақиқат ўз аксини топмоқда. Кўтаринки кайфиятда ўтказилаётган танловларда кўплаб ёш иқтидор эгалари кашф этилаётир.**

— Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги хайрли ишларга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Бир неча йилдан буён «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доимий ўтказиб келинаётгани фикримиз далилидир. «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови бу йўналишдаги хайрли ишлар сирасига киради. Ушбу кўрик-танловда корхона ва ташкилотлар балансида бўлган маданият саройларида, шунингдек, жойлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият юритувчи болалар бадиий жамоаларининг 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган қатнашчилари анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги ҳамда якка ва жамоа рақси ижрочилиги бўйича иштирок этишаётир, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — Мақсадимиз — ёш авлодни санъатга жалб этиш орқали улар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий ва маданий анъаналарга ҳурмат туйғуларини шакллантириш ҳамда маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоаларидаги иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлашдир. Уч босқичли танловнинг қуйи босқичи ҳар бир ҳудуддан энг истеъдодли болаларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Жиззах вилояти Фориш туманида ўтказилган кўрик-танловда ёш истеъдод эгалари томонидан она Ватанни, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди. Анъанавий ижрочилик йўналишида Фориш маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фотима Ҳайдарова, эстрада қўшиқчилигида 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Диёр Тўйчиев ва якка рақс ижрочилигида 59-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ситорабону Омонкелдиева ғолибликни қўлга киритиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Биз бахтиёр авлодмиз, — дейди Ситорабону Омонкелдиева. — Танловда маҳоратимизни намоён этиб, эътирофга сазовор бўлишимиз ҳукуматимизнинг биз ёшларга қаратаётган эътибори натижасидир. Бундай имконият ва қулайлик мени қанча қувонтирса, елкамга шунча масъулият ҳам юклайди. Насиб этса, вилоят ва республика босқичларида ҳам ғолиб бўламан.

Кўрик-танловнинг Нукус шаҳар босқичида 7 та болалар бадиий ҳаваскорлик жамоаси қатнашди. Танлов натижаларига кўра эстрада ижрочилиги йўналишида биринчи ўринни Аймурат Бердақов, якка ва жамоа рақс йўналишида «Арыўлар» рақс ва ашула ансамбли ўзининг қорақалпоқча «Налыш» ва ўзбекча «Дилма-дил» рақслари билан эгаллади.



Бухоро вилоятининг Коғон туманида ўтган кўрик-танлов ҳам ёш иштирокчиларга бир олам завқу шавқ бағишлади. 1-ўрин анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Малоҳат Амонова, эстрада қўшиқчилигида Фирдавс Шабонов, жамоа рақс ижрочилиги бўйича «Уйрот» маданият ва аҳоли дам олиш марказида ташкил этилган «Гўзал» рақс жамоасига насиб этди.

Қашқадарё вилояти Китоб туманида ташкил этилган кўрик-танловда иштирокчиларнинг ижрочилик маҳорати, куй-қўшиқларнинг мазмуни, саҳнадаги ҳаракати, кийимлари алоҳида эътиборга олинди. Анъанавий ижрочилик бўйича Аброр Фазлиддинов, эстрада қўшиқчилигида Озодбек Шокиров, якка чолғу ижрочилигида Дилноза Латипова ва якка рақс ижрочилигида Дилнура Пўлатованинг чиқишлари юқори баҳоланди ва ғолиблар танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, кўрик-танловда фаол иштирок этган болаларга турли номинациялар бўйича эсдалик совғалари тақдим этилди.

«Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг туман босқичлари давом этмоқда. Уларда ижро этилаётган куй-қўшиқ ва рақсларни томоша қилиб янги-янги иқтидорлар юз очаётганига яна бир карра гувоҳ бўлаяпмиз.

**Шаҳноза РАҲМОНОВА**

Туризм

## Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

**Юртимизда туризмни ривожлантириш, унинг хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари амалга ошираётган ишлар диққатга сазовор. Ишловчиларни тарихий жойлар, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан таништириш шу эзгу саъй-ҳаракатнинг узвий қисми ҳисобланади.**

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимдаги ташкилотларда меҳнат қилаётган 40 нафар ходимнинг Хива шаҳрига уч кунлик саёҳатини уюштирди. Касаба уюшма фаоллари ва меҳнат фахрийларидан иборат саёҳатчилар тарихий обида ва муқаддас қадамжолар ҳамда шаҳарнинг бугунги қиёфаси билан яқиндан танишди.

— Сафар жуда мароқли ўтди, — дейди тармоқ ташкилотлари Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳусниддин Сайдалиев. — Айниқса, Ичанқалъа меъморий обидаси тарихни кўз олдимизда бор бўйи билан гавдалантирди. Қолаверса, хоразмликларнинг ўзига хос урф-одатлари билан янада яқинроқ танишдик. Бундай саёҳатлар ҳар бир ходимга кўтаринки кайфият бағишлаб, кучига куч қўшиши шубҳасиз.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Спорт



## Энг кўп медал вакилларимизда

**Самарқанд эшкак эшиш каналида ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё очиқ кубоги ва параканоэ бўйича Осиё чемпионати мусобақалари якунланди.**

Уч кун давом этган мусобақаларда дунёнинг 14 давлатидан келган 200 дан ортиқ спортчи ғолиблик учун баҳслашди.

Дастлаб, параканоэ бўйича биринчи Осиё чемпионати ўтказилиб, унда мамлакатимиз спортчилари 2 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза медалини қўлга киритиб, энг яхши натижани қайд этди.

Осиё очиқ кубоги баҳслари ҳар галгидек муросасиз курашларга бой бўлди. Катталар ўртасида ўтказилган беллашувларда терма жамоамиз аъзолари 11 олтин, 10 кумуш ва 6 бронза медалини қўлга киритди.

Мусобақа давомида вакилларимизга қозоғистонлик спортчилар асосий рақиб бўлди ва якунда улар 7 олтин, 7 кумуш, 4 бронза медалига эга бўлди. Мазкур баҳсларда Қирғизистон термаси аъзолари, Таиланд ва вьетнамлик спортчилар ҳам муносиб иштирок этди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда ҳам олтин медаллар учун юртимиз вакиллари ҳамда қозоғистонлик спортчилар ўртасида қизғин баҳс борди. Терма жамоамиз аъзолари 10 олтин, 14 тадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритди.

— Каноэда эшкак эшиш бўйича яккалик, тўртлик баҳсларида муваффақият қозониб, юртимиз байроғини баланд кўтарганимдан хурсандман, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нурислом Тўлқин ўғли. — Ушбу мусобақага пухта тайёргарлик кўриш учун бизга зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилгани муваффақиятимизнинг бош омили бўлди. Самарқанд эшкак эшиш каналидаги шароитлар халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Мусобақа доирасида Осиё каноэ федерацияси томонидан параканоэни ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар ўтказилди. Шунингдек, федерациянинг келгусидаги вазифа ва режалари ҳам муҳокама қилиниб, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.*

Лавҳа

## Муаллим

*Мустақиллигимиз эълон қилинган йили бизни мактабга қабул қилишган. Синф раҳбаримиз Моҳитоб муаллим ўта меҳрибон эди. Ўғли бўлмагани учунми, айниқса, болаларни кўпроқ яхши кўрарди. Тушгача ўқитилгач, овқатланар, дам олиш хонасида ухлатилардик. Айни пайтда дам олиш хонаси жазолаш жойи эди. Ким айб иш қилса «қамаларди». Бир сафар қиз болани урганим учун мен ҳам жазоланган, кийим илинадиган жовонда ўтириб, ёлғиз қолиш ёмонлигини ҳис қилиб йиғлаганман. Шу-шу тўрт йил одобли ва аълочи бўлдим. Раҳматли муаллимнинг руҳи шод бўлсин.*

*Юқори синфларда бироз қаттиққўл, аммо юмшоқ кўнгилли муаллим — Омонхон Исмоилов раҳбарлигида ўқидик. Балки ўз дарсига талабчан бўлгани учун ҳам она тили ва адабиёт фанини яхши ўзлаштиргандирман, ишқилиб вилоят миқёсида ўтган фан олимпиадасида қатнашган эдим. Ўшанда домламизнинг боладай қувонгани кўз олдимдан кетмайди. Кўз олдимдан кетмайдиган яна бир ҳол қўлимизга битирув шаҳодатномаларини олганимизда содир бўлди. Эртасига шаҳарга — имтиҳонга тайёргарлик кўриш учун кетишим керак. Шу боис домланинг олдига тез-тез бориб келаман. Домла:*

*— Болаларни бир синфга йиғиб тур, — деб қўяди. Қўлидаги шаҳодатномаларга қараб қўйиб, бошқа бир ўқитувчи билан суҳбатини давом эттиради.*

*— Ҳамма Сизни кутаяпти, — менинг хунобим ошади. Пойтахтга кетишни ўйлаб, юрагим ҳаприқиб бораяпти. Ўқитувчимизнинг нега бугун ўзгариб, «тепса тебранмас» бўлиб қолганига тушунолмай каловланиб юрибман.*

*Бир фурсат ўтиб у чуқур тин олди. Сўнг жадал ўрнидан туриб, биз ўтирган синфга кириб келди. Шошилганча исм-фамилияларни ўқий бошлади. Олдига борганларнинг қўлини сиқиб табрикларкан, юзлари пир-пир учар, кўзларининг атрофи қизараётган эди. Ишини тугатгач, ҳаммага омаду иқбол тилаб, тезда синфни тарк этди. Ўзимни жуда ғалати ҳис қилдим. Қарасам кўпчилик синфдошлар бир-бирига қараб табассум қилаяпти-ю, кўзларида ёш. Вужудим титраб кетди. Ўқитувчимиз бошидан кечираётган ҳолатни тушунгандай бўлдим. Қучоқлаб олиб раҳмат айтгим келди. Аммо у уйига кетиб қолган эди...*

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**



## «ОБУНА — 2017»

# ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!



**Дунёда илм-фан мисли кўрилмаган тараққиётга эришиб, технологиялар шиддат билан ривожланаётган, бунинг таъсири ва самараси ўлароқ, тезкор ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бораётган бугунги кунда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини тўлақонли ёритиш муҳим аҳамият касб этади.**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, матбуот нашрлари кишига ана шу глобаллашув жараёнлари, жамиятимиздаги воқеликлар ҳақида зарур маълумотлар бериш билан бирга, маънавиятни юксалтириш, фикрлаш, тафаккур дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Ҳар бир фуқаро, айниқса, зиёлилар, маънавий-маърифий соҳа кишиларининг матбуот нашрлари билан мунтазам танишиб боришлари, шубҳасиз, уларнинг касбий фаолиятлари янада самарали бўлишига кўмаклашади. Бинобарин, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда газета-журналларнинг ўрни ва роли ниҳоятда каттадир.

2017 йил учун матбуот нашрларига обуна кампанияси авж палласига кирган бугунги кунда ана шулар ҳақида ўйлаш, мушоҳада юритиш, обуна жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиш кўпгина масалаларга ечим топиши, шубҳасиз.

Бугун барча нашрлар қатори «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига ҳам обуна давом этмоқда.

Газеталаримиз саҳифаларида берилаётган материаллар тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ташаббускор етакчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга, фаолиятни янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Саҳифаларимизда имкон қадар Сизга маънавий озуқа берувчи ранг-баранг, қизиқарли мақолалар бериб бориш, энг муҳими, кўнглингизга яқин нашр бўлиш учун бор имкониятларимизни ишга солганмиз.

Ўқувчиларимиз сафини ҳар қачонгидан кенгайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунга кўра «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти томонидан 2017 йил учун обуна жараёнини уюшқоқлик билан ташкил этиш, муштарийларимизни юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан яқиндан таништириш мақсадида касаба уюшмалари тизими ҳамда ҳамкорларимиз ўртасида қуйидаги номинациялар бўйича танлов эълон қилинади:

1. **«Энг фаол обуначи бошланғич ташкилот»**
2. **«Энг фаол обуначи туман кенгаши»**
3. **«Энг фаол обуначи масъул ташкилотчи»**
4. **«Энг фаол обуначи ҳудудий бирлашма кенгаши»**
5. **«Энг фаол обуначи ҳамкор»**

Танлов ғолибларининг обунани ташкил этишдаги жонбозлиги ҳудудлар кесими бўйича обуна сонига қараб аниқланади ҳамда таҳририят томонидан муносиб тақдирланади.

Мукофотлар 2017 йил 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни тантанали равишда топширилади.

**Таҳририят**

**2017 йил учун обуна бўлишни унутманг. Нашр индекси — 133.**
**Тўлиқ бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — 3133.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган «Santa Margarita» хусусий корхонаси (СТИР: 303179906) Устав фонди 1 176 253 000 сўмдан 450 000 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади. **Тел: (+998-94) 611-02-77.**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2030-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 314-13-03
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-91) 233-69-07
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Abdullayev
**Navbatchi:** A.Arslonov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:55**
Topshirildi — **21:50**

1 2 3 4 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma Г — 1015.
13630 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
**2021 0000 0004 3052 7001,**
**АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали,**
**банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100**